

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ

Мирзаева Дилбар Абдувалиевна

Низомий номидаги ТДПУ 4-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7215001>

Замонавий педагогик жараёнда интерфаол иш кўринишлари, яъни инновацион педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб, таълим самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга ортмоқда. Педагог замонавий технологиялар қўллаганда ўқувчи эгаллаётган билимларни ўзи қидириб топади, мустақил ўрганиб, таҳлил қилади, ҳатто хулосаларни ҳам ўзи чиқаради. Педагог бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчи вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида педагог асосий сиймога айланади.

Педагогик амалиётда йиллар давомида нега ўқитамиз? Нимани ўқитамиз? Қандай ўқитамиз? деган саволларгагина жавоб берган бўлсак, энди қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин? деган саволга ҳам жавоб бериш лозим бўляпти. Натижада, таълим жараёнини технологиялаштиришга, яъни «Ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин» деган фикр юзага келди.

Таълим жараёнида ўқув-тарбиявий иш мазмунини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги ва таълимда инновацион фаолият ҳамда педагогик технология жорий этилишининг асосий сабаблари қуйидагилар:

Биринчидан, шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглиги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагог таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб таххис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, янги воситалар ва ахборот усуллари қўллашга асосланганлиги улар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахсларга айланади. Охир-оқибат таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологиялар муҳим аҳамият касб этади. Педагогик технологиянинг таълимда қўлланилиши талаба ёки ўқувчиларнинг билимли ва етук малакага эгаллашини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба ёки ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш ва уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари-билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил қила билишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўлади. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва тингловчилар биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Педагогик технология-фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган техник воситалар: компьютер, проектор ёки бошқа техник воситалардан иборат. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи-педагогларнинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эриша олишлари учун танланган технологияларига боғлиқ. Мақсад бўйича кафолатланган натижага эришувда қўлланиладиган таълим технологияси: педагоглар ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи мустақил фикрлаши, ижодий ишлаб, изланиб таҳлил этиши, педагог гуруҳга, гуруҳ эса уни баҳолай олса, педагог эса уларнинг бундай фазилатлари учун имконият ва шароит яратса, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ўқув жараёнидаги педагогик технология аниқ кетма-кетлик бўлиб, у педагогларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган. Олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараён.

Педагогик мақсадни амалга ошириш кафолатланган натижага эришиш педагог ва тингловчилар ҳамкорликдаги фаолияти. Улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ. Бунда педагогларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб

ишлатиладиган технология танланади. Шу билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда мавзунинг ўзига хос томони, жой ва шароити, энг асосийси педагогнинг имконияти ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш лозим. Шундагина, кафолатланган натижага эришилади.

Гуруҳларга бўлиниш. “Молекула” ўйини.

“Молекула” ўйини давомида тингловчилар 4та кичик гуруҳларга бўлинадилар, ўйин тингловчилар диққатини жамлашга ёрдам беради. Тингловчилар мусиқа оҳанги остида хонада сайр қиладилар. Тренернинг “1 та атомли молекула ҳосил қилинг, 2 та атомли молекула ҳосил қилинг” деган буйруғидан сўнг ўзларига жуфтлик топиб олиб бирлашадилар. Ўйин якунида тингловчилар 4 кишидан иборат гуруҳ ташкил этади. Ҳар бир гуруҳ аниқ бир стол атрофига ўтиради.

Интерфаол усуллардан фойдаланганда бошловчи қуйидагиларни билиши лозим:

- 1) интерфаол усулларнинг мазмун- моҳияти;
- 2) таълим мақсадини амалга оширишда интерфаол усулларнинг ўрни ва роли;
- 3) интерфаол усулларни қўллаш тамойиллари;
- 4) таълимий ва ишчанлик ўйинлари;
- 5) тингловчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъминлаш йўллари;
- 6) тингловчиларнинг мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усуллари;
- 7) кўргазмали-техник воситаларидан фойдаланишни билиш;
- 8) фаоллаштирувчи усуллар.

Интерфаол усулларнинг афзалликлари:

- 1) ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- 2) ўз вақтида ўзаро муносабат билан таъминланиши;
- 3) тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;
- 4) ўқитиш усулларининг турли хил кўринишларини таклиф этилиши;
- 5) мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- 6) ўтилган мавзунинг яхши эсда сақлаб қолиши;
- 7) мулоқотга киришиш кўникмасида такомиллашув жараёнининг мавжудлиги;
- 8) ўз-ўзини баҳолашнинг пайдо бўлиши;
- 9) тингловчилар қўйилган мақсад мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;

10) мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши;

11) нафақат мазмунини ўзлаштириш, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириши;

12) муаммони ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

Интерфаол усулларнинг камчиликлари:

1) кўп вақт талаб этилиши;

2) иштирокчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги;

3) жуда мураккаб мазмундаги мавзу ўрганилаётганида ҳам педагог ролининг паст бўлиши;

4) “Кучсиз” ўқувчилар бўлганлиги сабабли “кучли” ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши.

Гуруҳ кўзгуси

Раҳбар деворда плакат тайёрлайди. Қатнашчилар бирин-кетин ўзларини таништирадilar ва деворга ўзларининг исмлари, ташкилот номи ёзилган карточка ҳосил қиладilar. Агар шахсий маълумот (профессional қизиқишлар, хобби, умидларни акс эттирувчи карточкалар бўлса, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.) Қатнашчилар бир-бирларини яхши билишлари ва эслаб қолишлари учун плакат тадбир охиригача илиниб туради.

Гуруҳ иши қоидалари:

1) лидернинг мавжудлиги;

2) ўз олдида мақсад қўя билиш ва уни амалга оширишга ҳаракат қилиш;

3) тинглаш ва тушуна билиш;

4) бир-бирларини қўллаб-қувватлаш;

5) ҳамма биргаликда ишлашни ва мақсадга эришишни хоҳлаш;

6) фаол бўлиш;

7) ҳамкорликда қарор қабул қилиш;

8) қарор қабул қилиш ва натижага эришиш жавобгарлигини сезиш.

Гуруҳ аъзоларини танлаш тамойилига қуйидагилар киради:

1) ўз фикрига эга ва уни ҳимоялай олиш;

2) ушбу жамоада иш тажрибасига эга бўлиш;

3) гуруҳ аъзолари ўзгалар фикрига ҳурмат билан қараш;

4) ҳамма биргаликда фаолият юритиш.

Мактабгача ёшдаги болани мактаб таълимига тайёрлашда энг маъқул муҳит мактабгача таълим муассасаси ҳисобланади. Чунки бу ерда болалар

таълим-тарбиясига зарурий шарт-шароитлар яратилган: мутахассис ишлайди, болалар кун тартибига риоя қиладилар, методик ва амалий қўлланмалар бола сонига ва ёшига мос бўлади. Боланинг ўзлаштириши ташхис қилинади. Таълим-тарбия давлат меъёрий хужжатлари асосида олиб борилади. Давлат талаблари ва дастурга амал қилинади. Бола мактаб таълимига тайёрланади.

Болалар фаолияти қанчалик ранг-баранг, бир-биридан фарқ қиладиган бўлса, болаларнинг тафаккури шунчалик фаоллашади, хотирлаб қолиш, эсга тушириш, хулосалар қилиш ва ўз фикрини изчил, дадил баён этишга шароит яратилади.

Машғулот давомида инновацион технологиядан жумладан, ахборот технологиясидан фойдаланиб машғулотларни самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш, болаларда компьютер саводхонлигини шакллантиришда замин яратилади.